

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН АХБОРОТ
ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 27 октябрда рўйхатдан
ўтказилди, рўйхат рақами 2383-3]

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 43-сон, 551-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги [Конунига](#),
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар
бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги [низомга](#) мувофиқ
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар
бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2012 йил
24 июлдаги 2012-13-сонли буйруғи билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори
иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш [қоидаларига](#) (рўйхат рақами
2383, 2012 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон,
369-модда) [иловага](#) мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 25 сентябрь,
2015-16-сон

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

- 1-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари — қимматли қоғозлар эмитентлари, қимматли қоғозларнинг эгалари, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, биржалар ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси;».
2. Қуйидаги мазмундаги 6¹-банд билан тўлдирилсин:
«6¹. Қимматли қоғозлар бозорида эмитентга ёки қимматли қоғозларга тааллуқли ахборотни ошкор қилмасдан қимматли қоғозлар эмиссиясини амалга ошириш, шунингдек инсайдер ахборотдан фойдаланиш тақиқланади.».
3. 8-банднинг:
тўртинчи хатбошидаги «39-моддаси» деган сўзлар «44-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
бешинчи хатбошидан «аффилиланган шахслар рўйхати, шунингдек аффилиланган шахслар билан битимлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
4. 11-банддаги «3-1-3-36-иловаларига» деган сўзлар «3-1-3-37-иловаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
5. 15-банддаги «40-моддасида» деган сўзлар «45-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
6. 16-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«Инвестиция фондлари ахборотни Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 44-моддасида назарда тутилган тартибда ошкор қилади.».
7. 22-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«22. Акциялар эгаси мустақил равишда ёки аффилиланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида акциядорлик жамияти акцияларининг мазкур акциядорлик жамияти устав капиталининг жами 20 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги ахборотни мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда ошкор қилиши шарт.».
8. 24-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«24. Агар ахборотни эмитент томонидан ошкор қилиш муддатининг тугаши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ва (ёки) фонд биржаси веб-сайтнинг ишлашидаги техник носозлик вужудга келган кунга тўғри келса, веб-сайтнинг ишлашидаги техник носозлик бартараф этилган кундан кейинги биринчи иш куни ахборотни ошкор қилиш муддатининг тамом бўлиш куни деб ҳисобланади.».
9. 2-иловадаги «Мансабдор шахсларнинг (ижроия органининг) шахсий таркибидаги ўзгаришлар» деган сўзлар «Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки ижроия органининг таркибидаги ўзгаришлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
10. 3-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.
11. 3 — 8-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.
12. 3 — 16-иловадаги «Асосий ва айланма маблағлар суммасининг» ҳамда «Кредитнинг асосий ва айланма маблағлар суммасидаги миқдори (активларнинг баланс қиймати) (%)» деган сўзлар тегишлича «Активларининг» ҳамда «Кредитнинг эмитент активларининг баланс қийматидан миқдори (%)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
13. 3 — 31-иловадаги «ўзининг қимматли қоғозлари эгалари олдидаги» деган сўзлар «қимматли қоғозларни қайтариб сотиб олишга (муомаладан чиқаришга) доир» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
14. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-иловасига мувофиқ тахрирда 3-37-илова билан тўлдирилсин.
15. 5-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4-иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар бозорида ахборотларни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-ИЛОВА

ЭМИТЕНТ ФАОЛИЯТИДАГИ МУҲИМ ФАКТЛАР РЎЙХАТИ

Муҳим фактнинг номи	Муҳим фактнинг рақами
Ном ўзгариши	01
Жойлашган ер (почта манзили), электрон почта манзили ёки веб-сайти ўзгариши	02
Қайта ташкил этилганлиги	03
Фаолиятнинг тўхтатилганлиги	04
Фаолиятнинг тугатилганлиги	05
Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар	06
Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ўзгарганлиги	07
Кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг ёки ижроия органининг таркибидаги ўзгаришлар	08
Филиаллар рўйхатидаги ўзгаришлар	09
Ваколатхоналар рўйхатидаги ўзгаришлар	10
Шўъба хўжалик жамиятлари рўйхатидаги ўзгаришлар	11
Тобе хўжалик жамиятлари рўйхатидаги ўзгаришлар	12
Эмитентнинг мол-мулки ва (ёки) банк ҳисобварақлари хатланганлиги	13
Эмитентга нисбатан унинг активлари қийматининг 10 фоизидан ортиқ миқдорда даъво қўзғатилганлиги	14
Устав капиталининг 50 фоизидан ортиқ миқдорда кредит олинганлиги	15
Активларнинг 50 фоизидан ортиқ миқдорда кредит олинганлиги	16
Активларнинг қиймати бир марта 10 фоиздан ортиқроқ миқдорда кўпайганлиги	17
Активларнинг қиймати бир марта 10 фоиздан ортиқроқ миқдорда камайганлиги	18
Миқдори ёки мол-мулкининг қиймати битим тузилган санадаги ҳолатга кўра эмитент активларининг 10 фоизидан ортиғини ташкил этадиган эмитентнинг бир марталик битимлари	19
Эмитент томонидан йирик битим тузилиши	20
Аффилланган шахс билан битим тузилиши	21
Фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун лицензия олинганлиги	22
Фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг бекор қилинганлиги ёки амал қилиши тугатилганлиги	23
Фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганлиги	24
Қимматли қоғозларни чиқариш	25
Қимматли қоғозлар чиқарилишини тўхтатиб турилиши	26
Қимматли қоғозлар чиқарилишининг қайта тикланганлиги	27
Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш	28
Қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳақиқий эмас деб топиш	29
Эмитент 10 ва ундан ортиқ фоиз акцияларга (улушларга, пайларга) эгалик қилаётган юридик шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар	30
Эмитент қимматли қоғозларни қайтариб сотиб олишга (муомаладан чиқаришга) доир мажбуриятларини бажариш муддатлари келганлиги	31
Қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ҳисоблаш	32
Эмитентга нисбатан банкротлик таомили жорий этилганлиги	33
Кузатув кенгаши аъзоларининг эмитент акцияларига эгалик қилишидаги ўзгаришлар	34
Ижроия органи аъзоларининг эмитент акцияларига эгалик қилишидаги ўзгаришлар	35
Аффилланган шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар	36
Қимматли қоғозлар эгаларида уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг эмитент томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқининг юзага келганлиги	37

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга

2-ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар бозорида ахборотларни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига

3-8-ИЛОВА

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ			
1.	Тўлиқ:		
	Қисқартирилган:		
	Биржа тикерининг номи:*		
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ			
2.	Жойлашган ери:		
	Почта манзили:		
	Электрон почта манзили:*		
	Расмий веб-сайти:*		
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ			
Муҳим фактнинг рақами:		08	
Муҳим фактнинг номи:		Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки ижроия органининг таркибидаги ўзгаришлар	
шахснинг ваколати тугатилган ҳолларда			
№	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи	Лавозими	Тегишли акцияларнинг сони ва тури
1.			
2.			
шахс сайланган (тайинланган) ҳолларда			
№	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи	Лавозими	Тегишли акцияларнинг сони ва тури
1.			
2.			
Кўрсатилган ўзгартиришлар тўғрисида эмитентнинг қарор қабул қилган органи:			
Қарор қабул қилинган сана:			
Баённома тузилган сана:			
Бошқарув органи баённомасидан қўчирма ва сайланган (тайинланган) шахснинг яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт маълумотлари**			
Ўзгаргандан сўнг кузатув кенгаши (тафтиш комиссияси / ижроия органи)нинг таркиби			
№	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи	Лавозими	Тегишли акцияларнинг сони ва тури
1.			
2.			

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

* Мавжуд бўлганда кўрсатилади.

** PDF шаклда бириктирилади.

Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, эмитент тегишли бошқарув органининг баённомаси тузилган сана ҳисобланади.»

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
3-ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар бозорида ахборотларни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-37-ИЛОВА

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ		
1.	Тўлик:	
	Қисқартирилган:	
	Биржа тикерининг номи:*	
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ		
2.	Жойлашган ери:	
	Почта манзили:	
	Электрон почта манзили:*	
	Расмий веб-сайти:*	
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ		
	Муҳим фактнинг рақами:	37
	Муҳим фактнинг номи:	Қимматли қоғозлар эгаларида уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг эмитент томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқининг юзага келганлиги
3.	Қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқини юзага келтирувчи қимматли қоғозлар тури:	
	Қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқини юзага келтирувчи қимматли қоғозлар тури:	
	Қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқини юзага келтирувчи қимматли қоғоз номинал қиймати (сўм/1 дона):	
	Қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқини юзага келтирувчи асос:	
	Қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқини юзага келишига асос бўлган қарор қабул қилинган сана:	
	Қайтариб сотиб олиш баҳоси (сўм/1 дона):	
	Қайтариб сотиб олишни бошлаш санаси:	

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

* Мавжуд бўлганда кўрсатилади.

Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, қимматли қоғозларни эмитент томонидан қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган эмитент томонидан қарор қабул қилинган сана ҳисобланади.»

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига киритилаётган Ўзгартириш ва қўшимчаларга
4-ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар бозорида ахборотларни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
5-ИЛОВА

**Акциялар эгасининг акциядорлик жамияти устав фондининг жами 20 ва ундан ортиқ
фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги**

АХБОРОТИ

Акциялар эгасининг номи: жисмоний шахснинг Ф.И.Ш. ёки юридик шахснинг тўлиқ номи	
Акциялар эгасининг жойлашган ери (почта манзили)	
Акциялар эгасининг акцияларни олишда қатнашадиган аффилиланган шахслари*	
Аффилиланган шахснинг жойлашган ери (почта манзили)*	
Эмитентнинг тўлиқ номи	
Битим санаси	
Битим тури	
Олинган акцияларнинг устав капиталидаги миқдори (%)	
Битимдан кейинги акциялар сони (дона)	

* акциялар аффилиланган шахслар билан биргаликда олинганда кўрсатилади.»